

---

Владивосток шаҳрида ўтказилган VII "Осиё болалари" халқаро спорт ўйинларида фуқаратлик икки нафар боксчиларимиз совриндорлар қаторида

Ўзбекистон спорт делегациясидаги боксчиларимиз Владивосток шаҳрида ўтказилган VII "Осиё болалари" халқаро спорт ўйинларида 18 та вазн тоифасида баҳс олиб борди. Вакилларимиз 8 та олтин, 3 та кумуш ва 7 та бронза медалларини қўлга киритишди.

Эътиборли томони шундаки, совриндорлар қаторида Фуқарат тумани спорт мактаби тарбияланувчилари, "Ингичка" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Абдуллоҳ Тохиров ва Раҳмонжон Қодировлар ҳам жой олган.

Абдуллоҳ Тохиров 63 кг вазн тоифасида кумуш медал, Раҳмонжон Кодиров 80 кг вазн тоифасида бронза медали соҳиби бўлди.

Фуқарат тумани ҳокимлиги боксчиларимизни самимий қутлаб, келгуси мусобақаларда ҳам улкан зафарлар тилайди.

2022-08-13 22:37:09